

ФАРҒОНА 30/605/2 24 3/8 1140=

МАРҒИЛАН ЗУХРО КУЧАСИ 31 УЙ 31 ХОНА  
ТОДЖИБОЕВА=

30/601 2/8 ФАРҒОНА НОВОИ 15 ВИЛОЯТ ХОКИМИ АТАБОВЕВ ВРУЧЕНА  
3/8 0840 ДЕЖУРНОМУ МИЛИЦИОНЕРУ КОДИРОВУ=АТ САЙТАХУНОВА=

5/8 0840  
350348  
Зед Шимина

## «Биз терроризмга қаршимиз!»

### Телеграмма

02.08.2004 йил

Фарғона. Навоий кўчаси 15 уй. Фарғона вилоят хокимиятига.

Фарғона вилоят хокими Олий Мажлис Депутати Алишер Отабоевга.

Мухтарам жаноб!

30 июль куни Тошкентда – Республика бош прокуратураси биносида, АҚШ ва Исроил давлатлари элчихоналари биноси рўпарасида содир этилган портлашлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг етарли даражада олиб борилмаётганидан далолат беради. Шунинг эътиборига олиб, 31 июль куни «Ўтюрраклар» Клуби «Биз терроризмга қаршимиз!» номли баёнот эълон қилдик.

Клуб томонидан 2001 йилда чоп этилган «Огоҳ бўлайлик» номли китобда ўз худудимизни ташқи душманлардан, ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш усуллари маслаҳат тарзида тавсия қилинган. Ушбу китобдаги тавсияларни муҳокама қилиб ўзимизни, ўзгаларни терроризм балосидан ҳимоя қилиш учун вилоятнинг шаҳар ва туманларида митинглар, йиғилишлар ўтказишни режалаштирдик.

«Ўтюрраклар» Клуби инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти жойларда «Терроризм хавфидан огоҳ бўлинг!» рукни остида митинглар, йиғилишлар ўтказишимизга рухсат беришингизни талаб қиламиз.

«Ўтюрраклар» Клубини бугунги кунда Ўзбекистон ҳалқи ўртасида етарли обрўга эга эканлигини, оддий ҳалқ вакилларининг биз билан ўтказажак Очиқ мулоқоти Ўзбекистон Республикасининг равнақи, хотиржамлиги учун хизмат қилишини эътиборига олиб зудлик билан митинглар ўтказишни бошлашимизга рухсат беришингизга ишонамиз.

Мамлакатнинг тинчлиги учун ўтказилиши режалаштирилган митинг ва йиғилишлар ўтказишга рухсат бермасангиз Ўзбекистон Республикаси Хукумати сиёсатида қарши фаолият юритаётган Фарғона мафиясининг, яъни вилоят хокимияти раҳбарларининг истеъфога чиқарилишларини талаб қилиб рухсат этилмаган, зўравонликка таянмаган намойишлар, кўча юришлари ташкиллашга, ўтказишга мажбур бўламиз.

Рухсат этилмаган намойишлар ўтказганлик учун қонун олдида жавобгарликка тортилишга тайёрмиз.

«Ўтюрраклар» Клуби фаоллари  
номидан ташкилотнинг раҳбари,  
мустақил журналист

Мўътабар Тожибоева.

Манзилимиз: Марғилон шаҳар «Зухро» кўчаси 31 уй 31 хонадон.